

Ихлос уч даражадан иборатдир



12:00 / 03.08.2019 1910

1. Авомнинг даражаси.

Бу Ҳақнинг муомаласидан халқни чиқариш (Аллоҳ таолога ибодат қилаётганда одамларни аралаштирмаслик) ила бадан ва мол муҳофазасини, ризқнинг кенглигини, қасрлар ва ҳурлар каби дунёвий ва ухровий насибаларни кўзлашдир.

2. Хосларнинг даражаси.

Дунёвий насибаларни қўйиб, ухровийларини кўзлашдир.

3. Хосларнинг хосларининг даражаси.

Насибаларнинг барчасини орадан чиқариб ташлаб, бандаликни юзага чиқариш учун ибодат қилиш ва муҳаббат ҳамда жамолига шавқ юзасидан Роббнинг юклаган вазифаларини бажаришдир.

Худди шу маънода шайх Абу Толиб раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Мухлисларнинг наздидаги ихлос Ҳақнинг муомаласидан халқни чиқармоқдир. Халқнинг аввалгиси нафсдир. Муҳаббатлиларнинг наздидаги ихлос бирор амални нафс учун қилмасликдир. Агар шундай бўлса, амалга эваз кутиш ёки нафснинг насибасига мойил бўлишга кириб қолинади.

Мувваҳҳидларнинг наздидаги ихлос амалларда халқнинг назардан чиқиши ва аҳволларда улардан сокинлик ва роҳат топишнинг йўқолишидир».

Аллоҳ таоло барча амалларимизнинг қуруқ суратдан иборат бўлиб қолмасдан, уларда ихлоснинг мавжуд бўлишини насиб этсин!

«Хислатли ҳикматлар» китобидан олинди.